

**СУЮЛТИРИЛГАН УГЛЕВОДОРОДЛИ ГАЗ МАХСУЛОТИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ  
ХАКДА ШАРТНОМА № 1**

«20» Январ 2022 йил.

Бундан кейин «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» деб номланади, «**AZIZAXON ANORI**» МЧЖ номидан, унинг низоми асосида иш олиб борувчи, корхона раҳбари Усмонов Ш. Бир томондан ва бундан кейин «**БУЮРТМАЧИ**» деб номланувчи «\_\_\_\_\_» раҳбари \_\_\_\_\_ ушбу шартномани куйидагилар хадида туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1.1. «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» корхона билан «**БУЮРТМАЧИ**» уртасидаги шартномага асосан суюлтирилган углеводородли газни куйидаги келишилган режага мувофик етказиб бериш тугрисида.

№	Махсулот номи	Улч.бир.	1-чорак	2- чорак	3-чорак	4- чорак	Жами
1	Суюлтирилган газ (пропан)	метр.	460	460	460	460	1840

*1 метр суюлтирилган газ 3600 руб*

1.2. «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» суюк газни заводдан олиб келган холда «**БУЮРТМАЧИ**» га керакли микдорларда етказиб беришни уз зиммасига олади.

1.3. Шартноманинг умумий суммаси ( ККС билан ) 6624000 ( *Олти миллион олти юз йиллик тўрт миң* ) сумни ташкил этади:

**2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

2.1. «**БУЮРТМАЧИ**» «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**»га йиллик суюк газ олиш учун белгиланган тартибдаги маълумотнома такдим этиши шарт. Шу маълумотномага асосан шартнома тузилади.

2.2. «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» «**БУЮРТМАЧИ**» га ҳар чорак шартноманинг 1.1. банди буйича суюк газ етказиб беради.

2.3. «**БУЮРТМАЧИ**» ойнинг 30-санасида «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» билан олинган суюк газ буйича ҳисоб китоб килиши шарт. Ҳисоб китоб пул утказиш йули билан амалга оширилади.

2.4. «**БУЮРТМАЧИ**» суюк газ олиш учун:

- суюк газ баллони олиб келиши, газ баллони синов муддати утмаган булиши, вентилларидан газ чиқмаслиги ва бошка техник хавфсизликларни таъминлаши шарт.
- газ ёкилигида юрвчи автомашиналар суюк газ олиш учун «Саноат контехназорат» Вилоят газ назорати инспекциясидан руйхатдан утиши, рухсатнома олиши ҳамда хужжатлари ДАН органи талабларига жавоб бериши лозим.

2.5. «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» газ хужалиги хавфсизлиги коидаларига тугри келмаган газ баллон ва автомашиналарни суюк газ билан таъминламайди.

2.6. «**БУЮРТМАЧИ**» «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» томонидан етказиб берилган суюк газ учун уз вақтида ҳисоб-китоб килмаса, кечиктириб туланган хар бир кун учун 0,4% микдорида пеня тулашликни, лекин бажарилмаган мажбурият суммасининг 50%идан ошмаган микдорда пеня туланишлиги мажбуриятларини олади.

2.7. «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» «**БУЮРТМАЧИ**»га махсулотни уз вақтида етказиб бермаган холларда, хар бир кечиктирилган кун учун 0,5% микдорида пеня тулашликни, лекин бажарилмаган мажбурият суммасининг 50% идан ошмаган микдорда пеня тулашлиги мажбуриятларини олади.

### 3. СУЮК ГАЗ ТУЛОВИ ТАРТИБИ

- 3.1. «**БУЮРТМАЧИ**» олинган суюк газга олдиндан 100% пул тулаган булиши шарт.
- 3.2. «**БУЮРТМАЧИ**» ойнинг 30-санасида олинган суюк газни «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» дан Узбекистан Республикаси товар хом ашё биржасидан олаётган суюк газ нархи асосида ҳисоб-китоб қилади.
- 3.3. Олинаётган суюк газ нархида узгаришлар булса «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» «**БУЮРТМАЧИ**»га олдиндан ёзма билдиришнома бериш орқали хабар қилади.

### 4. ФОРС-МАЖОР

4.1. Агар енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) оқибатида шартнома мажбурятлари бажариш мумкин булмай қолса, томонлар ушбу шартнома буйича мажбурятлардан шман ёки тулик озод этиладиган (форс-мажор) ҳолатига қуйидагилар киритилади: табиат ҳодисалари, сув боеиши, зилзила, ёнгин, табиий газ ва саноатда юз берган фалокатлар, давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан мазкур шартнома имзоланганда кейин кучга кирган ва уни бажаришга тускинлик қилувчи ҳужжатларни қабул қилиниши. Ушбу шартнома буйича томонларнинг уз мажбуриятлари бажарилишини мумкин булмайдиган қиладиган бошқа шароитлар.

### 5. ШАРТНОМА МУДДАТИ

- 5.1. Шартнома муддати «20» Январь 2022 йилдан «31» декабр 2022 йилгача.
- 5.2. Шартномада ҳисобга олинмаган ҳоллар буйича келишмовчиликлар Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва «Хужалик субъектининг шартномавий-дукукий базаси туғрисида»ги қонун асосида узаро хал қилинади ёки барча низолар Хужалик суди орқали хал қилинади.
- 5.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккала нусха ҳам бир хил кучга эга, биринчй нусха «**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**»да иккинчи нусха «**БУЮРТМАЧИ**»да сақланади.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА ТУЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**»

«**БУЮРТМАЧИ**»

«**AZIZAXON ANORI**» МЧЖ  
х/р: 20208000905085171001  
ЧАБ «Траст банки» жиззах филиали  
МФО: 01166. ИНН 306477754.  
Манзил: Жиззах вил. Жиззах шаҳри  
Х.Олимжон МФЙ. Ж.Неру куча 22 уй



Рахбар:

Ш.Усманов



Ҳолат: